

№ 15 \_\_\_\_\_ сонли Ш А Р Т Н О М А

Зарбдор т.

"12" декабрь 2022 йил

Узбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлар хавза бошқармаси қарашли Зарбдор туман ирригация бўлими (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб боровчи бўлим бошлиғи Р.Худайбердиев ва «OUS-MAXBUILDING» МЧЖ (кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари Б.Усмонқулов мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. Пудратчи уз зиммасига Буюртмачининг топширигига кура уз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2-бандида курсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

1.2 Пудратчи Зарбдор туман Ирригация бўлимининг Р-2-7 канали ва Р-2-8 каналларидаги гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни узининг материалларидан, узининг машина механизмлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: 2022 й 07 декабрдан 2022 й 31 декабргача Пудратчи ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга (эга ҳмас).

1.4.1. Буюртмачи ва Пудратчининг ваколати вакиллари томонидан бажарилган ишларни қабул қилиш ва топшириш тугрисидаги молиявий ҳужжатлари (Форма-2, Форма-3, ҳисоб-фактура ва бошқа ҳужжатлар) имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

**2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

2.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддатда бажариш.

2.1.3. Ишларнинг натижасини Буюртмачига топшириш.

2.1.4. Агар Пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йул қуйган бўлса, Буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 20 кун ичида бартараф этиш.

2.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур Шартноманинг 3-бандида курсатилган ҳақ тулаш мажбурияти бажарилмаганда, Пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 2 кун ичида ёки мазкур Шартноманинг 1.4-бандида курсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини қуриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномада четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, улар ҳақида Пудратчига дарҳол хабар бериш.

2.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан бошлаб мазкур шартноманинг 3-бандида курсатилган баҳо буйича ишлар учун ҳақ тулаш.

2.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. Ҳар қандай вақтда Пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

**3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашлар тартиби.**



[[QR]]	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiylikini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	{signed_by}
	Imzolangan sana	{signed_date}
	Hujjat kodi	{document_code}
	Hulosa kodi	{law_document_code}

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUIQUQIY  
XULOSA

WS3175300454

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: PUDRAT ShARTNOMASI
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "ZARBDOR TUMAN IRRIGATSIYA BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Zarbdor tumani  
yuridik markaz  
bosh yuristkonsulti:



F.M.ESHALIYEV

12.12.2022



Зарбдор туман Ирригация бўлими учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар (ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг  
**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 5**

2022 йил “09” декабрь

Зарбдор тумани

Зарбдор туман Ирригация бўлимининг 2022 йил “08” апрелдаги №2022-32-3-49-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

**Қатнашдилар:**

Р.Худайбердиев -Зарбдор туман Ирригация бўлими бошлиғи, танлов комиссиясининг раиси  
**КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:**

- С.Жоникулов - Мутахассис, комиссия аъзоси
- М.Худайбердиев - Мутахассис, комиссия аъзоси
- А.Хазраткулов - Мутахассис, комиссия аъзоси
- Д.Байзаков - Мутахассис, комиссия аъзоси

**Кун тартиби:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги №276-сонли қарори 100-бандига асосан Зарбдор туман ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ томонидан (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборот порталига 07.12.2022 йилда №201257-сонли **ЗАРБДОР ТУМАНИ ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИГА КАРАШЛИ "Р-2-7" ВА "Р-2-8" КАНАЛЛАРИДА ГИДРОТЕХНИК ИНШОАТЛАРНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ** ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

Зарбдор туман ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миқдори)	OUSMAXBUILDING MCHJ		MCHJ TEMUR USMON		GIDROSTROY YUG MCHJ	
				Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	<b>ЗАРБДОР ТУМАНИДАГИ «Р-2-7» КАНАЛИНИ ПК0+00 ДАН ПК52+00 ГАЧА МЕХАНИЗМ ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШ</b>	Хизмат	1	155836207	88,54	154000000	83,85	156341000	77,12

Талабгорлар томонидан 07.12.2022 йилда Зарбдор туман ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИнинг **ЗАРБДОР ТУМАНИДАГИ «Р-2-7» КАНАЛИНИ ПК0+00 ДАН ПК52+00 ГАЧА МЕХАНИЗМ ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШ** ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов юзасидан 07.12.2022 йил соат 12-00 га қадар ҳеч қанака ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мувожадатлар келиб тушмади.

Комиссия Зарбдор туман ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИнинг **ЗАРБДОР ТУМАНИДАГИ "Р-2-7" КАНАЛИНИ ПК0+00 ДАН ПК52+00 ГАЧА МЕХАНИЗМ ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШ** ишлари учун ўтказилган электрон танлов бўйича

**Қарор қилади:**

Зарбдор туман ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИнинг **ЗАРБДОР ТУМАНИДАГИ «Р-2-7» КАНАЛИНИ ПК0+00 ДАН ПК52+00 ГАЧА МЕХАНИЗМ ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШ** ишлари учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 88,54 балл билан ғолиб бўлган OUSMAXBUILDING MCHJ билан шартнома имзоланиб, Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилсин.

С.Жоникулов \_\_\_\_\_  
 М.Худайбердиев \_\_\_\_\_  
 А.Хазраткулов \_\_\_\_\_  
 Д.Байзаков \_\_\_\_\_  
 Ш.Тагаев \_\_\_\_\_ комиссия котиби.

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 201251 на приобретение ЗАРБДОР ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИГА КАРАШЛИ "P-2-7" ВА "P-2-8" КАНАЛЛАРИДА ГИДРОТЕХНИК ИНШОАТЛАРНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ**

Способ проведения электронный

Дата 07.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 12:17

Закупочная комиссия Зарбдор туман Иригация булими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XUDAYBERDIYEV RUSTAM QURALOVICH	Рахбар	Зарбдор туман Иригация булими танлов комиссияси раиси
<b>Секретарь комиссии</b>	TAG'AYEV SHUXRAT ASATULLAYEVICH	мутахассис	Зарбдор туман Иригация булими танлов комиссияси котиби
<b>Член комиссии</b>	JONIQULOV SARVAR MAHMUD O'G'LI	мутахассис	Зарбдор туман Иригация булими танлов комиссияси аъзоси
<b>Член комиссии</b>	XUDAYBERDIYEV MUZAFFAR KURALOVICH	мутахассис	Зарбдор туман Иригация булими танлов комиссияси аъзоси
<b>Член комиссии</b>	XAZRATKULOV ALIKUL XUJABEKOVICH	мутахассис	Зарбдор туман Иригация булими танлов комиссияси аъзоси
<b>Член комиссии</b>	BAYZAKOV DILSHOD XUROZBOYEVICH	мутахассис	Зарбдор туман Иригация булими танлов комиссияси аъзоси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.12.2022 года № лота 201251.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию водохозяйственных систем и сооружений
Подробное описание	Зарбдор туман иригация булимига карашли "P-2-7" ва "P-2-8" каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	156 836 207.00
Стартовая сумма	156 836 207.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида малумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MCHJ TEMUR USMON</b>	25	маълумотлар илова қилинади	19	Экспертная		
<b>OUS-MAXBUILDING MCHJ</b>	25	Маълумотнома тақдим этилди	20	Экспертная		
<b>GIDROSTROY YUG MCHJ</b>	25	1. Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида малумот	21	Экспертная		

Критерий №2 Мутахассислар малумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Мутахассислар малумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MCHJ TEMUR USMON</b>	25	маълумотлар илова қилинади	20	Экспертная		
<b>OUS-MAXBUILDING MCHJ</b>	25	Маълумотнома тақдим этилди	21	Экспертная		
<b>GIDROSTROY YUG MCHJ</b>	25	4. Мутахассислар малумоти	22	Экспертная		

Критерий №3 Махсус техникалар малумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсус техникалар малумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MCHJ TEMUR USMON</b>	25	маълумотлар илова қилинади	16	Экспертная		
<b>OUS-MAXBUILDING MCHJ</b>	25	Маълумотнома тақдим этилди	24	Экспертная		
<b>GIDROSTROY YUG MCHJ</b>	25	3. Махсус техникалар малумоти	17	Экспертная		

Критерий №4 Солик ва бошка идоралардан қарздорлиги йуқлиги тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва бошка идоралардан қарздорлиги йуқлиги тугрисида малумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ TEMUR USMON	25	маълумотлар илова қилинади	21	Экспертная		
OUS-MAXBUILDING MCHJ	25	Маълумотнома тақдим этилди	23	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	25	2. Солик ва бошқа идоралардан қарздорлиги йуклиги тугрсида малумот	23	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MCHJ TEMUR USMON	156 836 207.00	156 341 000.00 UZS	156 341 000.00	00.00	156 341 000.00	05.12.2022 13:28:56	4.92513
GIDROSTROY YUG MCHJ	156 836 207.00	154 000 000.00 UZS	154 000 000.00	00.00	154 000 000.00	07.12.2022 08:58:21	5
OUS-MAXBUILDING MCHJ	156 836 207.00	155 836 207.00 UZS	155 836 207.00	00.00	155 836 207.00	07.12.2022 08:41:38	4.94109

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MCHJ TEMUR USMON	72.2	4.92513	77.12513
GIDROSTROY YUG MCHJ	78.85	5	83.85
OUS-MAXBUILDING MCHJ	83.6	4.94109	88.54109

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 201251 от 07.12.2022 года на приобретение ЗАРБДОР ТУМАН ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИГА КАРАШЛИ "P-2-7" ВА "P-2-8" КАНАЛЛАРИДА ГИДРОТЕХНИК ИНШОАТЛАРНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ определила победителем:

OUS-MAXBUILDING MCHJ  
306550356

и резервный исполнитель: GIDROSTROY YUG MCHJ (307222256)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XUDAYBERDIYEV RUSTAM QURALOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JONIQULOV SARVAR MAHMUD O'G'LI	Согласен	



<b>Член комиссии</b>	XUDAYBERDIYEV MUZAFFAR KURALOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XAZRATKULOV ALIKUL XUJABEKOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BAYZAKOV DILSHOD XUROZBOYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**201257 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича  
расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20  
майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у  
расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон  
tizimida муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.  
Икки иш кун ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер)  
ўтказиш  
натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид  
комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.  
Муҳокама тугаган сана:

Комиссия раиси:

09.12.2022 12:17

XUDAYBERDIYEV RUSTAM QURALOVICH

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

2022 йилда кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

2022 йил ёзги сугориш мавсумида кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун сув билан ишончли таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда қишлоқ хўжалиги экинларини сугориш учун сув олиш лимитлари тўғрисидаги таклифлари , мувофиқ маъқуллансин.

2. 2022 йил ёзги сугориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича республика ишчи гуруҳининг (кейинги ўринларда — Республика ишчи гуруҳи) таркиби мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сув омборларидаги сув ресурсларидан фойдаланишни тўлиқ назоратга олиш, айниқса, йирик сув омборларидан сув чиқариш ва насос станцияларидан фойдаланишни қатъий равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг аниқ ҳисоб-китобларига асосланган талабномалар бўйича амалга ошириш;

мавжуд сугориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг мавсумга шайлигини таъминлаш билан боғлиқ барча тадбирларнинг бажарилиши бўйича қатъий мониторинг олиб бориш тизимини йўлга қўйиш;

экин майдонларининг мавжуд инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда, электр энергияси ва сув билан узлуксиз таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб, сувни тежайдиган сугориш технологияларининг «бир канал — бир тизим» тамойили асосида жойлаштирилишига эътибор қаратиш;

сугориш мавсуми давомида ҳар ўн кунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолатини танқидий ўрганиш ҳамда бу борада мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш.

Республика ишчи гуруҳи (Ш.М. Ғаниев) ушбу вазифаларни тезкор ва самарали бажариш мақсадида бир ҳафта муддатда Сув хўжалиги вазирлигида республика ишчи гуруҳининг штабини ташкил қилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш бўйича вилоят ва туманларда ҳудудий ишчи гуруҳлар таркиби уч кун муддатда тасдиқланишини таъминласин.

Белгилансинки, туманда ва ҳар бир сектор ҳудудида сугориш штаблари ташкил этилиб, улар томонидан сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сув ресурсларидан самарали

фойдаланишни назорат қилиш, сув тақсимооти ва ҳисоб-китобини юритиш, сувчиларга далада зарур шароит яратиш ҳамда иш ҳақларини ўз вақтида бериш ва тунги сугориш ишлари мувофиқлаштириб борилади.

5. 2022 йилда амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини, насос агрегатлари ва сугориш қудуқларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишлари режаси мувофиқ тасдиқлансин.

6. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ўн кун муддатда ушбу қарорга ~~3-илоҳида~~ келиб чиқиб, ҳар бир ирригация тизими канали ва сугориш тармоғи, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари бўйича сув олиш лимитларини тасдиқлаб, тегишли шартномалар расмийлаштирилишини ҳамда шартномалар реестрини сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича белгиланган тартибда назорат қилиб бориш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ва туманлар бўлимларига берилишини;

сув танқислиги шароитида харид қилинган кўчма дизель ва бошқа турдаги насос агрегатларини икки ҳафта муддатда хатловдан ўтказиб, қўшимча сув етказиб бериш мақсадида уларнинг коллектор-дренаж тармоқларига ўрнатилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ушбу қарорга ~~3-илоҳида~~ келтирилган тадбирларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган 300 млрд сўмнинг:

100 млрд сўмини бир ҳафта муддатда Сув хўжалиги вазирлигига сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштиради ва сувни тежайдиган сугориш технологияларини жорий этишга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиқиб, давлат бюджети харажатларининг мақбуллаштирилган қисми ҳисобидан тиклаб берсин;

200 млрд сўмини асословчи ҳисоб-китоблар тақдим этилган ҳолда давлат бюджети харажатларининг мақбуллаштирилган, шу жумладан, Сув хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағларнинг мақбуллаштирилган қисмидан шаклланган маблағлар ҳисобидан молиялаштиради.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Фарғона водийси магистрал каналларида сув сарфини мониторинг қилиш ҳамда масофадан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида таклиф ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил ва кейинги йилларда сув сарфини мониторинг қилиш ва масофадан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаларига халқаро молия институтларининг кредит ва грантларини жалб этиш чораларини кўрсин;

в) 2022 йил 1 октябрга қадар Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Геоахборот тизимида республикада сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича қуйидаги имкониятларга эга ахборот тизимини ишга туширсин:

ерни масофадан зондлаш технологиялари, шу жумладан, сунъий йўлдош ва дронлар ёрдамида олинган маълумотлар асосида ҳудудларда сув танқислигини таҳлил қилиш ва сугориш тизимининг доимий мониторингини олиб бориш;

экинлар мониторингини юритишда вегетация даврийлиги, сув билан таъминланганлик ҳамда бошқа спектрал индекслардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва қарорлар қабул қилиш;

тупроқ ва иқлим хусусиятларига ҳамда сугориш имкониятларига мос экинларни жойлаштириш бўйича таҳлил ва тавсиялар бериш;

ер участкаларининг сувни тежайдиган технологиялар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш.

9. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан насос станциялари ва вертикал сугориш қудуқларини ишлатиш учун 2022 йилда сарфланадиган электр энергияси миқдорлари мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2022 йил учун белгиланган электр энергияси миқдорларининг амалдаги истеъмолидан келиб чиқиб, республика бюджетида электр энергияси учун кўзда тутилган маблағнинг 20,4 млрд сўмини қайта тақсимлаш ҳамда маҳаллий бюджетларда сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун кўзда тутилган маблағлар ва маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари насос станциялари ва вертикал сугориш қудуқларининг белгиланган электр энергияси миқдори ҳамда унга ажратилган маблағлар ва тасдиқланган сув олиш лимитлари доирасида ишлатилишини таъминлайди;

Сув хўжалиги вазирлиги насос станциялари ва вертикал сугориш қудуқларини техник соз ҳолатда бўлиши ва самарали ишлашини ташкил этади ҳамда ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритади;

Энергетика вазирлиги «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Миллий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда 2022 йил учун белгиланган электр энергияси миқдорларини ажратиш ҳамда насос станциялари ва вертикал сугориш қудуқларини белгиланган режим асосида узлуксиз электр энергияси билан таъминлайди.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига, шунингдек, сув олиш лимитларига қатъий риоя этилиши бўйича тизимли назорат ўрнатсин ҳамда бу борада қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриб, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

11. Сув хўжалиги вазирлиги республика сугориш штабини ташкил қилиб, ушбу қарорда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича қатъий назорат ўрнатсин ҳамда бу борада сусткашликка йўл қўйган барча бўғиндаги раҳбарлар ва масъулларга нисбатан қатъий чоралар кўриш тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб борсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,  
2022 йил 10 май,  
243-сон

2022 йилда амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини, насос агрегатлари ва сугориш қудуқларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишлари

РЕЖАСИ

	Жам и ажра тила дига н мабл ағ, млн сўм	шу жумладан:													
		сугориш тармоқларини тозалани		гидротехника иншоотларини таъмирлаш		сугориш тармоқларини бетонлаштириш		насос агрегатларини сотиб олиш		насос агрегатларини таъмирлаш		насос станцияларининг босимли қувурларини таъмирлаш		вертикал сугориш қудуқларини қуриш	
		узунлиги, км	маблаг, млн сўм	сони, та	маблаг, млн сўм	узунлиги, км	маблаг, млн сўм	сони, та	маблаг, млн сўм	сони, та	маблаг, млн сўм	узунлиги, км	маблаг, млн сўм	сони, та	маблаг, млн сўм
Қорақалпоғистон Республикаси	26 120	638,0	12 036	24 1	4 563			32 3	7 410	18 8	1 873	2,4	237		
вилоятлар:															
Андижон	24 200	211,4	872	22 3	1 015	12,5	1 188	12 3	8 125	75	2 000	3,6	2 000	20	9 000
Бухоро	35 604	72,0	2 345	12 2	3 027	38,0	15 649	25 0	6 783					39	7 800
Жиззах	21 036	348,0	4 374	45 2	5 240	12,0	1 489	67	5 754	44	994			7	3 185
Қашқадарё	25 433	334,0	7 025	11 73	1 456	57,6	2 798	12	720	68	353	0,03	31	29	13 050
Навоий	17 520	63,0	615	43	1 792	10,0	11 244	22	924	26	2 045			2	900
Наманган	28 359	510,5	2 315	41 3	6 549	11,5	12 131	29	6 321	55	193	0,45	650	1	200
Самарқанд	23 260	181,7	4 141	87	7 849	20,0	8 220	10	800					5	2 250
Сурхондарё	25 636	119,1	2 100	23 8	2 370	11,6	7 560	22	1 945	14 5	2 464	2,0	3 796	12	5 400
Сирдарё	25 254	240,0	7 200	30 8	2 257	19,3	8 202	14	2 800	20	1 000	0,14	1 413	5	2 382
Тошкент	11 252	203,4	5 696	19 6	3 150			9	600	14	456			3	1 350
Фарғона	26 300	285,0	6 555	12 2	3 335	37,5	9 800	49	1 709	30	2 200			6	2 700
Хоразм	10 026	683,0	5 420	96	1 227			9	455	28 0	2 016				
ЖАМИ	300 000	3 889	60 694	3 71 4	43 831	230,0	78 282	92 9	43 548	95 5	16 393	9,62	9 035	12 9	48 217